

РАХИМДЖАНОВА Нигора

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Тарих институти етакчи илмий ходими, PhD
nigoratumtoz@gmail.com

ТУРКИСТОНЛИК ҲОЖИЛАРНИНГ САФАР ЙЎЛИ ВА МУАММОЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ)

МАРШРУТЫ И ПРОБЛЕМЫ ПАЛОМНИКОВ ИЗ ТУРКЕСТАНА (В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА)

PILGRIMAGE ROUTES OF TURKESTAN HAJIS AND THE PROBLEMS (LATE 19TH - EARLY 20TH CENTURIES)

Аннотация: Ушбу мақола Туркистонлик ҳожиларнинг Маккага бориш йўллари, йўлда учраган муаммолари ва империя ҳукуматининг ҳаж зиёратига оид сиёсатига бағишланган. XIX аср охири- XX аср бошларига келиб, Туркистон мустамлака шароитида бўлишига қарамасдан минтақада ҳаж қилувчилар сони кескин ошди. Темир йўлнинг қурилиш ҳожилар сонини кескин оширган бўлса-да, ҳаж сафари турли муаммо ва қийинчиликлардан холи эмас эди. Шунингдек, Россия империяси мусулмонларнинг ҳаж зиёратини чекламаган бўлса-да, уни назорат қилишга урингани, ҳаж сафарини сиёсий хавф санагани мақолада батафсил турли манбалар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Туркистон ҳожилари, ҳаж сафари, Макка, мустамлака ҳукумати, темир йўл, сув йўли, муаммолар.

Аннотация: В данной статье рассматриваются пути паломников из Туркестана в Мекку в конце XIX - начале XX века. Особое внимание уделяется трудностям, с которыми сталкивались паломники в пути, и политике имперского правительства в отношении хаджа. Отмечается, что, несмотря на колониальный статус Туркестана, число паломников в регионе в этот период резко возросло. Хотя строительство железной дороги значительно облегчило путь и увеличило число паломников, хадж был сопряжен с различными проблемами. В статье анализируется политика Российской империи в отношении паломничества, которая, несмотря на отсутствие прямых запретов, стремилась контролировать этот процесс, видя в нем потенциальную политическую

угрозу. Выводы основаны на анализе различных исторических источников.

Ключевые слова: Паломники Туркестана, паломничество, Мекка, колониальное правительство, железная дорога, водный путь, проблемы.

Annotation: This article is devoted to pilgrimage routes from Turkestan to Mecca, the problems encountered on the route, and the policy of imperial government regarding the pilgrimage. Despite the fact that Turkestan was in colonial conditions, the number of pilgrims in the region increased sharply by the end of the 19th century and the beginning of the 20th century. Although the construction of the railway greatly increased the number of pilgrims, the pilgrimage was not ensured from various obstacles and difficulties. Besides, the article analyzes the issue based on various sources in detail that although the Russian Empire did not restrict the pilgrimage of Muslims, it tried to control it, considering pilgrimage a political threat.

Keywords: Pilgrims of Turkestan, pilgrimage, Mecca, colonial government, railway, seaway, problems.

КИРИШ

Ислом таълимотига кўра, ҳаж-Макка ва Мадинани зиёрат қилиш, исломнинг беш асосий рукнларидан бири бўлиб, ҳаж амали уни адо этишга қурби етган барча мусулмонлар учун (жуда бўлмаганда умрида бир марта) фарз қилинган. Ҳаж ибодати мусулмонлар учун жисмонан ва руҳан (гуноҳлардан ҳам) покланиш учун катта бир синов ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, қадимдан мусулмонлар ҳаж сафари оғир ва машаққатли бўлишига қарамасдан ҳаж зиёратига боришга интиланлар. XIX аср охири- XX аср бошларига келиб Туркистонда ҳаж қилувчилар сони кескин ошди. Бу даврда Туркистон мустамлака шароитида бўлишига қарамасдан минтақа мусулмонлари шароит туғилиши билан турли йўналишларда ҳаж зиёратига интилдилар. Туркистон минтақасига темир йўл кириб келгунга қадар зиёратчилар ҳаж сафарига қуруқлик йўли орқали туяларда қарвон йўли бўйлаб, Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор мамлакатлар орқали борган бўлсалар, XIX аср охириларига келиб, темир йўлининг қурилиши натижасида янги йўналиш вужудга келади ва ҳаж зиёратига боровчилар сонини кескин даражада ошириб юборади. Бунинг учун Одесса, Севастополь, Феодесиядан то Батумгача темир йўли орқали, ундан кейин эса Хижозгача сув йўли транспортдан фойдаланилган.

Барча мустамлака давлатлар сингари Россия империяси ҳукумати ўз мустамлакасига

айланган ҳудудлардаги мусулмонларнинг ҳаж сафарига чиқишига доим хушёрлик билан қараган. Албатта бунда уларнинг сони ва географик жиҳатдан (Кавказ, Крим, Оренбург ген-губернаторлиги, Туркистон, Бухоро, Хива ва бош.) катта ҳудудни эгаллагани муҳим стратегик аҳамиятга эга эди. Шунинг учун ҳам бу даврда ҳукумат топшириғи билан ҳаж сафарига оид махсус тадқиқотлар, турли статистик маълумотлар тайёрланди [6]. Таъкидлаш жоизки, империя ҳукуматининг ҳаж сафарининг мустамлака ҳудудларда яшовчи халқларнинг ҳаётига қай даражада таъсир қилишини ўрганишга катта эътибор қаратди. Тўпланган маълумот ва тадқиқотларга кўра, ҳукумат амалдорлари учун ҳаж зиёрати нафақат диний балки кучли сиёсий аҳамият уйғотган. Хусусан, тадқиқотларнинг бирида “... ҳаж мусулмон халқлар учун аъло даражада бирлашишга имкон беради. ... диний бирлик, ягона диний зиёратгоҳ, умумий қийинчилик, сайёҳат машаққати, мақсаднинг умумийлиги мана шуларнинг ҳаммаси турли хил миллат вакиллари бўлмиш мусулмонларнинг битта маслак, ягона эътиқод ва мақсад, интилиш, сўз атрофида бирлаштиради” [25:148] деб қайд этилган.

Империя ҳукумати мусулмонлар учун ҳаж сафарини инкор қилмаган, аксинча уни тартибга солишга, ўзи учун хавфсиз қилишга уринган. Умуман олганда узоқ вақт ҳаж зиёратига боришни мусулмонларнинг шахсий иши деб ҳам қарай олмади. Ҳаж сафари бир неча ойлаб давом этадиган жараён бўлганлиги ҳамда турли хорижий давлатлар чегарасини босиб ўтганлиги учун ҳам унга эътиборсиз қараш сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан империя ҳукуматига турли муаммоларни туғдириши табиий эди. Ундан ташқари ҳаж учун керак бўлса бор маблағини сарфлашга тайёр минглаб ҳожиларнинг пуллари империя ҳудудидаан ташқарида қолиб кетиб қайтмаслиги [14:77] ҳам империя ҳукуматини ҳаж сафарини назорат қилишга ундар эди. Юқоридаги барча сабабларини инобатга олган ҳолда Россия империяси бошқа Европа мустамлака ҳукуматларига қараганда кеч бўлса-да 1896 йилда расман “ҳаж қилиш шарт-шароитлари устидан назорат қилиш чораларини кўриш” мақсадида дастлабки ҳукумат комитетини тузади. Комитет “Маккага зиёратчилик биринчи навбатда ўз моҳияти жиҳатдан йўқотилмаслиги кераклигини” тан олиб, унга рухсат этилиши

кераклиги аммо фақат тоқат қилиши, зарур бўлган кўнгилсиз ҳодиса деб қаралмоғи шарт” деб таъкидлаб, мусулмон ҳожилар ҳаракатини тартибга солиш дастурини таклиф қилади [30:7]. Унда асосан юқумли касалликлар тарқалиши олдини олиш расмий йўл билан, ҳукуматдан рухсат олиб, хорижий паспорт олиш, йўлларни хавфсизлигини таъминлашга оид қаратилган масалалар ўрин олган эди. Лекин унинг кейинги фаолиятини қузатсак, империя барча ҳожиларни қамраб оладиган, қулайлик туғдириб бера оладиган, турли касалликлардан ҳимоя қила оладиган кучли тизим ишлаб чиқишдан ожиз эканлигини кўрамыз.

Мустамлака ҳукумат ҳожиларни назорат қилиш мақсадида ўлка мусулмонларининг ҳар йилги ҳаж зиёратига оид статистик маълумотларни тўплаб, турли матбуот ва бошқа даврий нашрларда эълон қилиб борган. Қайси ҳудуддан қанча ҳожи ва уларнинг ижтимоий мавқеи, фоишларда кўрсатиб, таҳлил қилиб борилган [27]. Ундан ташқари расмий маъмурият томонидан ҳожилар юртларига қайтгандан сўнг ҳам улар доимо назоратда турган. Айниқса, 1898 йилги Дукчи эшон кўзғолонининг раҳбари Муҳаммадали эшоннинг ҳажга борганлиги рус амалдорларининг ҳаж зиёрати ва ҳожиларга нисбатан яна-да хушёр бўлишга сабаб бўлган эди.

Шундай қилиб, мусулмонларнинг ҳаж зиёратини амалга оширишга бўлган кучли иштиёқлари, бу борада ҳатто, бор сармояларини аямасликларини кўрган империя ҳукумати ҳаж сафарига оид ташкилотчиликни қўлга олиб, кетадиган ҳаражатларни ҳукумат ўзида қолдиришга уринган ва бу зиёратдан катта моддий манфаат ҳам кўрган. Аммо, сиёсий мақсадларда ҳаж зиёрати Россия империяси учун турли ҳудудлардан келган мусулмонларни бирлаштирувчи куч сифатида қаралиб, турли хил сабаблар билан ҳаж сафари мусулмонлар учун қийинлаштирилган. Хусусан, ўша даврдаги Бухоро амирлиги билан солиштирадиган бўлсак, Туркистон генерал-губернаторлигига қараганда, Бухоро ҳожиларининг ҳаж сафарига кетиш учун керакли паспорт ва уни расмийлаштиришлари анча тезроқ ва 4 баробар арзонроқ эди [12: 222].

Шунинг учун ҳам туркистонлик ҳожилар ичида бухоролик ҳожиларнинг паспортсизлари фоиш ҳисобида энг паст кўрсаткични ташкил қилган. Кўриниб турибдики, мустамлака маъмурияти ҳаж зиёратини атайин қиммат

ва машаққатли, оғир сафарга айлантириб, Туркистон мусулмонларининг бу фарз амални адо этишларига тўсиқларни кўпайтирар ҳам эди. Аммо бу тўсиқлар расмий маъмурият кутганидек натижа бермаган, ҳожилар сони қисқариш ўрнига йилдан-йилга ошиб борган. Ҳажга боровчилар учун хориж паспортини амал қилиш муддати ҳам оз, яъни 6 ой муддатга берилган. Ваҳоланки, Маккага бир неча давлатлардан ўтиб борилган, ойлаб йўлларда юрилган эди. Биргина М.Бехбудийнинг 1899-1890 йилларда Макка ва Мадинага ҳаж сафари учун 8 ой кетганини ҳисобга олсак, хориж паспортини 6 ой муддатга берилиши нотўғри қарор эди. Ачинарлиси, паспорт муддати 6 ойдан бир кун ўтиб кетса ҳам 10 рубл жарима тўланган [30].

Бунда ҳожилардан 6 ой ичида зиёратни амалга ошириш талаб этилган эди. Агар йўлга чиқмасдан муқаддам муддати ўтса, яъни олган паспорт билан олти ой ичида йўлга чиқилмаса янгидин паспорт олиш талаб этилган эди [30]. Паспорт олиш учун 17-18 рубль сарфланган. Аммо баъзи бир ҳожилар ўз маъсулиятсизликлари ёки ҳаражатдан қочиб паспортсиз темир йўлга билет олиб Севастопол ёки Одессага етганларида у ердан улардан паспорт талаб этилган. Мажбур бўлганларидан сўнг ўзлари яшайдиган волост маҳкамасига телеграмма жўнатиб, у ердан гувоҳнома олганларидан сўнг уларга чет элга чиқиш учун паспорт берилган. Бу расмийчиликлар учун 40-50 рубл, 14 кун вақтларини йўқотиб бир қатор муаммоларга дуч келганлар [33]. Хорижий паспорт олиш учун эса талабгор, судланмаган, ҳеч кимдан қарздор бўлмаслиги, албатта полиция бўлими, ҳатто волост бошлиғининг рухсати, тавсияномаси [26: 42] лозим эди.

Шу тариқа империя ҳукуматининг маъмурий буйруқбозлик ва сунъий тўсиқлари ҳажга боришни истовчиларнинг хорижий паспорт олишдаги қийинчилик ва оворагарчиликларида намоён бўлар эди. Юқоридаги қийинчиликлар туфайли хорижий паспортсиз ҳажга боровчилар ҳам кўп учраган. Бундан мустамлака ҳукумат ҳам яхши хабардор бўлиб, хорижий паспортсиз фуқороларни йўлларда текширар, уларга жарималар солар, керак бўлса орқага қайтариб юборар эди. Кўп ҳолларда паспортсиз ҳожилар, йўлларда расмийлардан қочиб юрар, бу эса ўз навбатида сарсон-саргардон бўлишларига сабаб бўлар эди. Табиийки, паспортсиз, яъни норасмий,

«махфий ҳаж» қилувчилар сони расмий маъмурият берадиган статистик маълумотларда акс этмаган. Шунинг учун ҳам Туркистон минтақасидан борган ҳожилар сони тақдим этилган рақамлардан анча кўп бўлган. Масалан, 1896 йилда Россия империясининг Ташқи ишлар вазирлиги берган маълумотга кўра, Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива хонликлари ва Кавказ, Қрим ва империянинг бошқа ҳудудларидан борган ҳожилар сони 18-25 мингтани ташкил этган [13:220]. Аммо хориж маълумотларига кўра, Маккага ҳар йили келган зиёратчилар сони 100 мингдан ортиқ деб ҳисобланган [7:30]. Империя мансабдорларининг берган ҳисоботлари орасидаги тафовутдан кўриниб турибдики, уларда ҳожилар сони ҳақида аниқ тасаввурлар йўқ эди. Бунга сабаб қилиб, Жиддадаги империя консули берган маълумотларида зиёратчиларнинг кўпчилиги хорижий паспортсиз келганлиги қайд этилади [25:148].

XX аср бошларига келиб, бу кўрсаткич янада ошган. Ҳар ҳаж мавсумида 25 мингдан ортиқ асосан марказий осийёлик саёҳатчилар Қора денгиз портлари орқали Истанбулга келган. 1911 йилда эса Россиядан келадиган жами ҳаж зиёратчилари сони 184 мингга етган. 1912 йилда туркистонлик зиёратчилар сони 50 минг атрофида бўлган эди [29:31].

Императорнинг Жиддадаги консули Ж.Левицкийнинг 1893-1894 йиллардаги маълумотлар асосида берган маълумотида кўра, империя ва Туркистон мусулмонлари ичида энг кўп ҳожилар сонини Фарғона вилоятининг Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган шаҳарларидан борганлар ташкил қилган [25:149]. Бошқа бир манбада ҳам 1910 йилга келиб Фарғона водийси зиёратчилари 500 га етганлиги қайд этилган. Биринчи жаҳон урушига қадар Туркистондан борган ҳожиларнинг тўртдан уч қисми айнан Фарғона водийсидан бўлган [7:30].

Умуман олганда XIX аср охирлари ва XX аср бошларида империя ҳудуди, жумладан Туркистондан кетган ҳожилар сонининг аниқ рақамларда кўрсатилмаганлигига юқоридагилардан ташқари, турли ҳужжатларни етишмаслиги, империянинг кучсиз статистика тизими, ҳожиларнинг назорат пунктлардан қочиши, чегара пунктларининг талабга жавоб бермаслиги ёки етишмаслиги, ҳожиларни аниқ рўйхатдан ўтказувчи давлатлар ўртасида аниқ

чегараларнинг мавжуд эмаслиги ҳам маълум маънода сабаб бўлган [14:79].

Юқорида қайд этилган рақамлардаги ҳожилар Макка ва Мадинага асосан 3 йўналишда борганлар:

1. Кавказорти бўйлаб ва шимолий Форс қисми орқали Кирмоншоҳ ва Туркия билан чегарадош Ханекин шаҳри, Бағдод йўналиши бўйича: Қазвин, Карбало, Нажаф ..., кейин баъзида араб саҳролари орқали. Бу йўналишда асосан Кавказорти ва Каспийорти вилояти шиалари борган бўлиб, XIX аср охирилари - XX аср бошларида 12-15 мингтача ҳожилар борган. Уларнинг орасида хориж паспортсиз кетганлари ҳам кўпчиликлари ташкил қилган. Бу йўналишга ўз даврида қийинчилик ва муаммоларга тўла деб баҳо берилган [149:25]. Қайд этиш жоизки, Дукчи эшон кўзғолони раҳбари эшон Муҳаммадали Собир ўғли ҳам айнан шу йўналишда ҳаж сафарига борганлиги манбаларда қайд этилган [25:149].

2. Самарқанд ва Бухоро, Афғонистон, Пешовардан Бомбейгача темир йўл бўйлаб ҳар йили 4-7 минг марказий осийлик ҳожилар борган. Маълумотларига кўра, қиммат ва йўл қийинчиликларга тўла ҳисобланган. Шу йўналиш бўйлаб ҳам шиалар Мозори шарифда Али қабрини зиёрат қилган. Зиёратчилар учун қар ва соқовларни даволайдиган мўжизакор зиёратгоҳ саналган. У ердан Тошқўрғон, Чорикор, Қобул, Ғазна, Қандаҳор ва бошқа шаҳарлардан ўтиб Карачи портига, кейин Бомбейга, у ердан эса пароходларда Жидда ёки Ямбога борилган. Энг кўп касалликлар ва эпидемиялар кенг тарқалган йўналиш сифатида қайд этилган. Шунингдек, бу йўналиш “Марказий Осиё йўли” деб ҳам аталган. Ушбу ҳудуд ва Сибир ва Уралда яшовчи татарлар учун ҳам қулай бўлган [14:77].

3. Қора денгиз портларидан Константинопол (Истамбул) ва Суэцдан Жидда ва Ямбога борилган. Ушбу охириги йўналиш мустамлака даврида кенг оммалашди ва асосан Россиялик татарлар, кавказий суннийлар, қирғизлар (козоклар), туркистонликлар ҳам шу йўналишда борганлар. 1906 йилда Тошкент-Оренбург темир йўли битказилади, шу темир йўл бўйлаб Оренбург орқали Одессага бориш имконияти очилади. Бу эса Туркистон минтақаси мусулмонларини поездлар орқали Қора денгизга саккиз ярим кунда етиб бориш имкониятини берган [29:46-53]. У ердан пароходларга ўтириб, Ўрта ер денгизига, ердан

эса Суец канали- Қизил денгизга, у ердан Хижозга етиб олишлари мумкин эди. Маккага темир йўл ва кема орқали борадиган янги йўл илгариги йўлларга нисбатан арзон ва тез босиб ўтадиган бўлиб қолади. Хусусан, Туркистон матбуотида берилган эълонларга кўра, 1905 йил учун Севастопол ёки Батумидан Жиддагача ва у ердан Феодесиягача пароходларда қайтиш 1 та ҳожи учун 1 класс учун 250 рубл, 2 клас учун 200 рубл, 3 клас учун 100 рублини ташкил этган [23]. 1914 йилга келиб эса фақат темир йўл хизматларидан фойдаланиш, яъни Тошкент-Самара-Тула-Харков ундан сўнг Одесса ёки Батуми, Феодесияга бориш учун 3 клас чиптаси 25-28 рублагача деб кўрсатилган [33]. Энг камтар ҳожи учун ҳаж зиёрати 600-700 рублни ташкил этган бўлса, ўзига тўқ, давлатманд киши учун 3000-4000 рублгача кетган [31].

Империя ҳукумати ҳожиларнинг кўпчилиги Қора денгиз портларидан Усмонли империяси ерлари орқали кетганлиги туфайли турк султонининг обрўси ошишидан чўчир [7:30], “пантуркизм”, “панисломизм” ғояларини кенг ёйилишига сабаб бўлади деб ҳаж зиёратини кўнгилсиз ҳолат деб ҳисобларди. Айниқса, Маккага бориш ва қайтишда Константинопол ва бошқа усмоний ерларида туркистонлик ҳожиларнинг кўним топиб, ҳатто йиллаб яшаб қолишидан хавфсирар ва буни империя ҳукумати турк султонининг қардош туркистонликларга “ҳомийлик” қилиши деб қабул қилар эди. Дарҳақиқат, империянинг Жиддадаги консули берган берган маълумотлари ҳам шунга далолат қилган. Унга кўра, Кааба ҳаж мавсумида диний тарғиботнинг маркази ҳисобланган. Ислом оламида сиёсий бурилишлар ва тўлқинлар маркази сифатида ҳаж ўзининг сиёсий аҳамиятини ҳар доим сақлаб келган. Жазоирдаги охириги кўзғолон Маккадан келиб чиққан. Усмонийлар ҳам Россия билан бўлган охириги жангида ҳаж зиёратининг нақадар аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ҳожиларга ёрдам сўраб мурожаат қилган [25:149]. Аммо шунга қарамасдан империя ҳукумати ўз фуқороларига айнан шу йўналишда ҳаж сафарига боришни тарғиб қилган ва фақатгина уларга хориж паспорти олиш мажбурий эди. Шу орқали мустамлака ҳукумати ҳожилар сонини аниқ билишга, уларни кузатиш ва назоратга олишга интилган. Хусусан, ўша давр матбуотида Туркистон генерал-губернаторининг 1901 йил 23 январда эълон қилган буйруғи-зиёрат қоидалари

эълон қилинган. Унга кўра, хориж паспорти берилгандан сўнг, ҳаж зиёратига боровчилардан Ҳижозга Қора денгиздаги Россия портлари орқали кетиш ҳамда шу йўл билан Феодесия ёки Батум орқали келиши ҳақида тилхат олинган [28:215].

Айниқса, бу даврда ҳажга боровчилар сонининг ошиб боришида, унга оид маълумот ва реклама ҳамда эълонларни кўпайишида Туркистон матбуоти ҳам озми кўпми салмоқли хисса қўшган. Туркистон матбуотида ҳаж зиёратининг мусулмонлар учун нечоқлик муҳимлиги, ҳаж сафари чоғида амалга ошириладиган ибодат ва маросимлар (маносик ал-ҳаж), ҳаж сафарига оид хабар ва янгиликлар бериб борилган. Жумладан, ҳаж сафарини амалга оширишга соғлиги туфайли имкони бўлмаганлар, ёки марҳум ота-онаси номидан фарзанди ёки яқинларини ҳаж қилишлари (ҳаж бадал) каби масалалар Куръон оятлари ва ҳадислар орқали матбуотда батафсил ёритиб берилган. Айниқса, ҳажга юборовчи Туркистон шаҳарларида очилган турли агентликлар ўзини реклама қилган. Шунингдек, ҳаж амаллари ва маросимларига оид маълумотлар ўша даврдаги кўлёмалар ва тошбосма услубида нашр этилган “Ҳажномалар” ва бошқа махсус тошбосма рисоаларда ҳам кўп учратиш мумкин [5:6]. Бу каби рисола ва асарлар ҳаж зиёратига кетаётган бўлажак ҳожилар учун ҳаж амаллари ва маросимларини ўзида мужассамлаштирган диний билимларни сафар олдидан аниқ тасаввур этишлари учун зарур бўлган эди.

Матбуот саҳифаларида ҳаж мавсумида деярли ҳар куни ушбу зиёратга оид хабарлар, Маккага йўл таассуротлари, эълонлар чоп этилган бўлиб, бунда асосан ҳаж сафарининг йўналиши, харитаси, йўл ҳаражатлари, сафар давомида вужудга келган муаммолар ва уларни бартараф этиш, зиёрат учун керак бўладиган ҳужжат ва керакли анжомларгача эълон қилиб борилган. Ундан ташқари матбуотда ҳаж зиёратида учрайдиган божхона ва консуллар ҳамда сафар чоғида учраган янгиликлар, қизиқарли ва ҳайратомуз бўлган манзаралар ҳам кўп зикр этилган. Маҳаллий матбуотда бу каби мақолаларни нашр этишдан мақсад, ўз юртдошларини ҳаж сафарида дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан огоҳ этиш эди. Масалан, “Ички ишлар вазирлиги, савдо вазирлиги эълон қилади. Мусулмон ҳожиларга Ҳижос портига сув йўли билан 1913 йилда қуйидаги портлар: Одесса, Севастопол,

Феодесия ва Батум, Мисрда Эл-Торсда карантин эълон қилинган. Ҳожилар ўзлари билан бирга паспортлари бўлиши шарт [32].

Таҳлиллар натижасига кўра, ҳаж сафари давомида дуч келинган асосий қийинчилик ва муаммолар қуйидагилардан иборат эди.

1. Ҳаж сафари чоғида, хусусан темир йўлларда, пароходларда қаллоб агентлар, воситачилар томонидан ҳожиларни эксплуатация қилиниши, бу ҳам етмагандек қароқчи сахроилар томонидан таланиши ҳаж сафарининг энг катта муаммоларидан бирига айланган эди. Денгиз йўли орқали ҳаж сафарига боровчи ҳожиларни ташувчи “Россия пароходлар жамияти” Туркистон шаҳарларида ҳам ўз агентликларини очиб, ўз вакиллари билан матбуот орқали ўз пароходларида кетишга ундаганлар. Улар орасида ҳаж зиёрати шарт-шароитларидан мутлақо беҳабар, маълумотсиз йўлбошчи, воситачи, қаллоб шахслар ҳам учраган. Ҳожиларга чипта харид қилиш, меҳмонхона ёки ҳожихона топиш, таржимонлик қилиш, йўл кўрсатиш каби хизматларни таклиф қилган даллоллар, фирибгарлар ҳам кўп учраган. Ҳаж йўлларидаги шаҳарларда “Бухоролик даллоллар”, “Доғистон даллоллари”, “Қирим даллоллари”, “Қозон даллоллари”дан иборат бир неча гуруҳ даллоллар фаолият юритган. Хусусан, булардан, “Қозон даллоллари” ва “Бухоролик даллоллар” Марказий Осиёдан борган зиёратчиларга хизмат кўрсатган. Кўплаб манбаларда даллоллар қораланиб, М.Бехбудий, Фурқат каби маърифатпарвар зиёлилар томонидан улар фаолияти танқид остига олинган. Жумладан, 1891 ҳажга борган Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат ўзининг ҳаж сафари эсдаликларида асли туркистонлик бўлган Сулаймонхўжа исмли бир фирибгар даллолнинг зиёратчиларга билет олиб бериш баҳонасида уларни пулларини алдов йўли билан олиб қўётгани ва унга нисбатан Туркистон ҳукумати томонидан чора кўриш кераклиги ҳақида ҳам ёзади. Шунингдек, Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам ўзининг “Саёҳат эсдаликлари”да ҳаж йўлларидаги даллоллар ҳақида ёзар экан, қуйидагиларни қайд этади: “Шоми шариф муҳаттасига индим. Бир неча туркистоний, эроний ва араб даллол хизматчилар атрофимни олдилар. Ҳар бири тумшуқинг остига суқулиб, ўз манзилига сени таклиф этиб, бошқасини манзилини ёмонлайдур. Чарчаган кишини яна кулфат бериб, номулоим ҳаракатлар билан асабинга тегадур... Дедим: Сиз мамлакатдан

келиб, шу қадарми одамгарчиликдан чиқдингиз” [11:105].

Ҳаж йўлларидаги расмий даллол ва вакиллардан ташқари норасмий, фирибгарларининг фаолияти ҳам авж олиши натижасида тил, йўл ва давлатлардаги қонун-қоидалардан беҳабар содда ҳожилар ва зиёратчиларнинг мол-мулк, пуллари мазкур сохта даллоллар томонидан талон-тарож қилинган. Ҳатто, уларнинг домига тушган ҳожилар йиллаб, балки бир умр ўз ватанларидан олисларда ҳеч вақосиз қолиб кетишган [9]. Дарҳақиқат, шароитсиз, қийин аҳволда қолган ҳожилар пароходларга керагидан ортиқча жойлаштирилган. Пароходларда мусулмонлар учун махсус озиқ-овқатлар йўқлиги сабабли ҳожилар ўзларининг эскириб қолган озиқ-овқат заҳиралари: моғорлаган нонлар, эскирган гўшт кабиларни истеъмол қилишга мажбур бўлганлар. Кўп ҳолларда мусулмон ҳожилар очликка бардош берганлар. Агарда қайсидир портда озиқ-овқат сотиб олиш имкони бўлса, 1 фунт гўшт учун 1 рубльдан, 1 чойнак қайнаган сув учун 50 копеекдан тўлашга мажбур бўлганлар [22]. Шунинг учун ҳам ҳаж сафари чоғида кўплаб ҳожилар касалликларга учраганлари ва улар орасида ўлим ҳолатлари кўп учрагани матбуот саҳифаларида қайд этилган [22].

Умуман олганда Денгиз йўли орқали ҳаж сафарига боровчи ҳожиларни Маккага олиб-бориб келиш ҳисобига Россия пароход жамиятлари катта фойда олган ва бундай жамиятлар ўртасида рақобатлар бўлган [15]. Шунинг учун улар ҳаж сафарини ташкил этишни йўлга қўйишга ҳаракат қилган ва Туркистон шаҳарларида ўз агентликларини очиб, ўз вакиллари орқали матбуот ва бошқа йўллар билан уларни ўз пароходларида кетишга жалб қилишга уринганлар.

Бундан ташқари ҳожиларга ушбу сафар чоғида Макка шаҳри яқинидаги кўчманчи бедуин қабилаларининг ҳужуми ҳам хавф солар эди. Ҳатто бадавийлар нафақат ўзга дин вакилларини, балки ўз диндошларини ҳам аёвсиз талаган ва ўлдирган. Шунингдек, бани-ҳарб, энези каби араб қабилаларидан чиққан қароқчилар зиёратчиларга ҳужум қилиб, уларни талаб ўлдирган ҳолатлари кўп кузатилган. Хусусан, 1894 йилнинг 11 июнида 2 та бедуин ҳожиларга ҳужум қилиб, дам олиш учун тўхтаган ҳожилардан марғилонлик Сўфи Назар хожи Эшон Назар Сўфиевни бошига уриб,

ундан 6 руписини олиб қўйганлар. 9 кундан сўнг Сўфи Назар бошидаги шу жароҳат туфайли вафот этган. Ундан ташқари қароқчи бедуинлар қўқонлик Абду Холиқ Уста Абдурахмоновга ҳам ҳужум қилганлар. Натижада Абду Холиқ бу жароҳат туфайли 4 кундан сўнг вафот этган [1]. Бу каби ҳолатлар ҳаж зиёрати учун йирик хавф-хатар туғдирар эди. Шунинг учун ҳаж қарвонларини ҳимоя қилиш мамлуклар (1250-1517) ҳамда усмонийлар даврида (1517-1924) ҳар йили бир неча ойлаб давом этадиган урушларга айланган эди [19:188].

Россия империясининг Арабистондаги консуллари берган ҳисоботларда Дамашқ расмий ҳаж қарвонини 500 нафардан ортиқ қуролланган отликлар, 150 нафар туяда юрувчи гуруҳ қўриқлаб бориши, 30 дан ортиқ тўхташ жойлари-станциялар оралиғида ҳам яна қўшимча қуролли қўриқчи гуруҳлар ташкил этилгани ҳақидаги маълумотларнинг ўзи ҳам бу йўлларда юриш хавфи бўлганлигини кўрсатади. Бундан курииб турибдики, Арабистон яриморалининг ўзида ҳам ҳожилар хавфсизлиги тўлиқ таъминланган дейиш ҳам ҳақиқатдан йироқдир. Қайд этиш жоизки, бадавий араблар ва туркман йўлтўсарларининг қарвонларни талаши асрлар давомида уларнинг доимий даромад манбаига айланиб қолган эди.

2. Ҳаж сафарининг яна бир йирик муаммоларидан бири бу-юқумли касалликлар эди. Ҳаж зиёрати давомида ҳожилар ташриф буюрган кўп шаҳар ва давлатларда тарқалган, эпидемия даражасига етган юқумли касалликлар, айниқса, вабо ва ўлат касалликлари юқиш эҳтимоли ҳам катта бўлган [4]. Шунинг учун ҳам ҳукумат бу касалликларнинг ҳожилар орқали мамлакат ҳудудига кириб келишидан хавфсираб, унинг олдини олиш чораларини кўрган. Ҳожилар тўхтайдиган портларда махсус карантин учун белгиланган жойлар ташкил қилинган. Маълум муддатга карантин белгиланиб, ҳожиларнинг кийимлари ва юклари дезинфекция қилинган ва ҳожиларнинг ҳам у ердан чиқишлари таъқиқланган [10]. Аммо бу касалликларга қарши чоралар империянинг ҳожилар тўхтайдиган барча портларида кенг ва тизимли қўлланилмаган. Ҳамма порт шаҳарларда ҳам яхши шароитлар яратилмаган. Матбуот саҳифаларида қайд этилишича, 1908 йил Феодесиядаги карантин пункти мутлақо талабга жавоб бермаган. Унда бор йўғи 12 та кроват бўлиб, бу вақтда кемаларларда юзлаб ҳожилар мавжуд бўлган. Уларнинг

огир шароитдаги санитария аҳволи туфайли камоқхона шаротига ўхшатиш мумкин. Албатта бундай ёмон шароит турли хил касалликларни кенг тарқалишга хизмат қилган ҳамда ҳожиларни ҳам улардан ҳимоя қила олмаган. Қора денгиз порт шаҳарларида Феодесиядаги каби аянчли ҳолатлар ҳақида кўп бора қайд этилишига қарамадан етарли чора кўрилмаган [4:41,42].

Мана шу ва бошқа кўплаб муаммоларни бартараф этиш ва уларни олдини олиш мақсадида Россиянинг ҳаж ишлари бўйича Маккадаги раҳбари тошкентлик савдогар Саидгани Саидазимбоев Туркистон ҳожилари учун амалий ҳаракатлар қилган. Айниқса, 1908-1909 йиллардаги матбуот саҳифаларида С. Саидазимбоевнинг бир қатор юборган телеграммалари бунинг яққол мисолдир. Матбуотда С. Саидазимбоевни мусулмонларнинг ҳаж сафари раҳбари [21], “Добровольный” флотининг генерал агенти [20] деб кўрсатилган. С. Саидазимбоев ўз телеграммаларида ҳаж сафари давомида ҳожилар дуч келган муаммолар, қийинчиликларни очиқ-ойдин кўрсатиш билан бирга муаммоларга ечим топишга ҳаракат қилган. С. Саидазимбоев темир йўллар вакилларининг съездида катнашиб, ҳукуматга расмий илтимос билан мурожаат қилган. Унга кўра, мусулмон ҳожиларни махсус поезд вагонларида, Тошкентдан Одессагача тўхтамасдан, бошқа йўналишларга ўтмасдан (пересадкаси) етказиб бериш кўзда тутилган эди [17]. Бу борада С. Саидазимбоев Туркистонда махсус мусулмон темир йўл станциялари ташкил қилиб ва Одессада махсус ҳожихона очишга муваффақ бўлади [8].

Америкалик тарихчи-олим, профессор Д. Броуэр ўз тадқиқотида, С. Саидазимбоев ҳақида: “У ўзининг ҳайрли режасини амалга ошириш жараёнида 60 минг сўм (рубл) маблағидан маҳрум бўлди. Аммо кейинчалик у зиёратчиликнинг ҳомийси ва ишбилармони бўла олмади. Чор ҳукумати мусулмонларнинг оммавий зиёратини ташкил этишдан ҳали жуда узоқда эди. Унинг душманлари Саидазимбоевни ноҳақ шубҳа остига олиб, ортик даражада манфаат кўрганликда айбладилар. Ҳатто, Бухоро амири уни Чор Россия маъмуриятининг агенти деб айблаган эди” [7:32], деб қайд этган эди.

Империя ҳукумати ўлкада ислом динини яна ҳам мавқеи ошиб кетишидан хавфсираган ҳолда ислом анъана, маросим ва фарз

амалларини янада гуллаб-яшнашига тўсқинлик қилишга уринган. Айниқса, 1898 йилдаги Дукчи Эшон кўзғолонидан сўнг, ҳаж зиёратига бориш таъқиқлаб қўйилди. Шунга қарамадан, ўлка мусулмонлари норасмий, махфий тарзда бўлса-да, ҳаж зиёратини амалга оширганлар [12:219]. Аммо бу ҳолат узоқ давом этмаган. 1900 йилда бу таъқиқ олиб ташланди. Туркистон ҳожилари сони йилдан-йилга ошди. 1914 йилга бориб, Маккага боровчи сув йўли бекор қилинди [18]. Биринчи жаҳон уришининг бориши бу сув йўлини бекор қилинишга сабаб бўлган эди. Шу билан Туркистон мусулмонларининг империя руҳсати билан сув йўли орқали ҳаж сафарига бориши расман тўхтатилди. Матбуотда ҳам ҳаж сафарига оид катта ва кичик эълонлар, мақолалар ҳам акс этмай қўйди. Аммо шунга қарамадан норасмий ҳолда турли йўналишларда ҳаж сафарига бориш оз бўлса-да давом этди.

ХУЛОСА

Ҳаж зиёрати юқорида акс этган қийинчилик ва муаммолар, хавф-хатарларга тўла бўлса-да, Туркистон ҳожилари учун муҳим сафар эди. Айниқса, XIX аср охири минтақада темир йўлнинг қурилиши Туркистонликларнинг ҳаж зиёратига бўлган истакларини яна-да кучайтирган.

Туркистондан борган ҳожилар учун ҳаж сафари нафақат муҳим диний аҳамият касб этган балки турли халқлар зиёлилар ўртасида маданий алоқаларнинг ривожига, дунёвий масалаларда фикр алмашинувида, илм-фан янгиликлари билан танишиш ва дунёқарашнинг кенгайишига ҳам хизмат қилган. Бир сўз билан айтганда, ҳаж зиёрати ислом динига эътиқод қилувчи Шарқ халқлари учун бирлашадиган нукта эди. Шу жиҳатдан ҳам кўпчилик мустамлака давлатлар ҳаж зиёратини диний жиҳатидан кўра ўзлари учун сиёсий хавф деб ҳисоблар эдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 1894 йилдаги ҳожи зиёратчиларнинг аҳволи ҳақида // Туркистон вилоятининг газети. 189. № 16.
2. Большакова О.В. КЕЙН А. РУССКИЙ ХАДЖ: ИМПЕРИЯ И ПАЛОМНИЧЕСТВО В МЕККУ. KANE E. Russian hajj: empire and the pilgrimage to Mecca. - Ithaca: Cornell univ. press, 2015. - XIV, 241 p // Журнал “История”. 2017. №1. С. 46-53.

3. Броуэр Даниэл. Маккага йўл (Туркистон ҳожилари ва Чор ҳукумати) // “Турон тарихи” журнали, 1993, май. Б.30. (Таржимон Нилуфар Эгамберидиева).
4. В.П. Мусульмане-паломники и грозная опасность // Ташкентский курьер. – 1908. – № 31; Вопрос о занесении холеры мусульманами-паломниками // ТВ. – 1908. – № 186; 2 случае чумы в Жидды // ТВ. – 1911. – № 55; Холера среди паломниками // ТВ. – 1911. – № 101.
5. Зиёдов Ш. Ҳажномалар: Тошкент тошбосма нухалари // Имом Бухорий сабоқлари. – 2014. – № 6. – Б.б. Батафсил маълумот: Ҳажнома ва тумор. – Т.: Орифжонов, 1905.; Марғиной О. Маносик ал-ҳаж. – Т.: Типо-Литография В.М. Ильина, – 1904; Шоший М.С. Тазкират ал-ҳаж. – Т.: Лит. Арифджанова, 1333 ҳ. (ўзбек тилида).
6. Давлетшин А. Отчет штабс-капитана Давлетшина о командировке в Хиджаз. СПб, 1899; Отчет о командировке в Джидду врача Д. Заболотного. СПб., 1897; Яровой-Равский В.И. Паломничество (хадж) в Мекку и Медину; Миропиев М. Религиозное и политическое значение хаджа. Казань, 1877; Тухолка С. Русские паломники в Хиджазе // Сборник консульских донесений. Вып. 6. 1901; Никольский М.Э. Паломничество мусульман в Мекку // Исторический вестник. 1911. Т. 124 (апрель-май); Соколов Д.Ф. Поездка в город Джедду // Исторический вестник. 1902. Т. 88 (май).
7. Даниэл Броуэр. Маккага йўл // Турон тарихи. – 1993. – № 1. – Б. 32. Батафсил маълумот: Daniel Brower. Russian Roads to Mecca: Religious Tolerance and Muslim Pilgrimage in the Russian Empire / Slavic Review, Vol. 55, No. 3 (Autumn, 1996). – P. 567-584.
8. Дело Саид Гани Саид Азим. // ТВ. – 1911. – № 46.; Вокзал Саид Гани // ТВ. – 1913. – № 3.
9. Жониев М. Ҳаж сафарлари бошқаруви: тарих ва шариат ҳукмлари // <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/21684-azh-safarlari-bosh-aruvi-tarikh-va-shariat-ukmlari>
10. К движению паломников // ТВ. – 1912, 30 август. – № 195.
11. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчи ва тўпловчи: проф. Б.Қосимов. Тошкент, 2006. Б. 105.
12. Мухамедов Ш. Историко-источниковедческий анализ государственного регулирования ислама Российской империей в Туркестане (1864-1917). Ташкент: «BAQTRIYA PRESS», 2013. – С. 222. Батафсил маълумот: Ўз МА И-1-фонд, 4- рўйхат, 257-йиғма жилд, 67- варақ.
13. Мухамедов Ш. Историко-источниковедческий анализ государственного регулирования ислама Российской империей в Туркестане (1864-1917). Тошкент, 2013. С. 220. Батафсил маълумот: Ўз МА И-1-фонд, 4-рўйхат, 257-йиғмажилд, 16-орқа варақ.
14. Нуриманов И.А. Становление паломнических маршрутов мусульман Российской империи в Аравию во второй половине XIX –XX начале в. // Вестник Московского университета. Серия 13. Востоковедения. 2019. №2. С. 77.
15. О паломничестве (хаж) в Мекку. (По англ. Источникам) // Туркестанские ведомости. 1908. № 184. Паломничество мусульман в Мекку // Исторический вестник. 1911. Т. 124 (апрель-май); Соколов Д.Ф. Поездка в город Джедду // Исторический вестник. 1902. Т. 88 (май).
16. Паломничества мусульман // ТВ. – 1913. – № 28.
17. Предупреждения паломников // ТВ. – 1914, 15 август. – № 182; Газеталардин: Ҳаж йўли ёпик // Садои Фарғона. – 1914. – № 49.
18. Таниева Г. XVI -XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё халқларининг ҳаж зиёрати тарихи ва тарихшунослиги. Тарих фанлари доктори илмий унвони. ... диссертацияси. Тошкент, 2021. Б. 188.
19. Туркестанские ведомости. 1908. № 106.
20. Туркестанские ведомости. 1908. № 116.
21. Туркестанские ведомости. 1908. № 176.
22. Туркестанские ведомости. 1905. № 131.
23. Туркестанские ведомости. 1908. № 176.
24. Туркестанский сборник. Т. 563. Паломничества (хадж) в Мекку и Медину. (Сборник материалов по мусульманству. Составлен по распоряжению генерал. От инфантерии Духовского. Под редакцию Поручика В.И. Ярового-Равского.) СПб, 1899. С.148.
25. Хадж мусульманских народов России: история и современность: хрестоматия [текст]/автор-составитель З.Р. Хабибуллина. –Уфа: Изд-во БГПУ, 2018. С.42.
26. Число мусульман-паломников // ТВ 1905. – № 103; Статистика паломников // Туркестанские ведомости. 1912, 9 октябрь. № 226.
27. Шадманова С. Туркистон тарихи-матбуот кўзгусида (1870-1917). Тошкент, 2011. Б. 215. Батафсил маълумот: Правила для паломников, установленные приказом Туркестанского генерал-губернатора от 23 января 1901 года // Туркестанские ведомости. 1902. № 96.
28. Якубов Қ. Хоразм давлати ва Усмонийлар империяси ўртасидаги маданий алоқалар: ҳаж зиёрати ва тақиялар фаолияти // Имом Бухорий сабоқлари. 2023. № 4. Б. 31.
29. Яна ҳожилар ҳақида // Садои Фарғона. – 1914. – 9 июль. № 40.
30. Ҳожилар сони // Туркистон вилоятининг газети. 1913. № 28.
31. Ҳожилар диққатига // Туркистон вилоятининг газети. 1913. № 71.
32. Ҳожиларга раҳбар // Садои Фарғона. 1914. № 35.